ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1996 йил, 20 декабрь № 50 (227) • Сотувда нархи эркин

• ОБУНА — 97

ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

1997 йил учун обуна мавсуми якунланмоқда. Ҳар бир газета ва журнал талабчан муштарийлар олдида ўзига хос синовдан ўтмоқда. Биз алоқачилар ҳам ягона нашримиз — «Хабар» газетасига уюшқоқлик билан обуна бўлдик. Севимли газетамиз ташкил этилганидан бошлаб тармоқ ҳаётининг кўзгусига, заҳматкаш касб соҳибларининг яқин ҳамроҳига айланди. Бу натижага таҳририят ходимларининг самарали меҳнати ҳамда биз — алоқачилар билан ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилгани туфайли эришилди деб ўйлайман.

Мен «Хабар» газетасининг ҳар бир сонини синчковлик билан ўқиб бораман. Кузатишимча, сўнгги пайтларда таҳририят фаолияти анча жонланди. Алоқачи мутахассисларга мўлжалланган «Алоқачи ҳамроҳи» — «Спутник связиста» илова саҳифалари мунтазам чоп этилмоқдаки, бу хайрли ишдан фақат мамнунмиз. Айни чоғда газетамиз саҳифаларида алоқачи-фахрийлар ҳаётининг мунтазам ёритиб борилаётганлиги ҳам диққатга сазовордир. Газетанинг шу йил 6 декабрдаги сонида меҳнат фахрийлари — фарғоналик Фотимахон ая Юсупова ва андижонлик Жўрахон ака Мамажонов ҳақида тайёрланган самимий ҳикояни ўқиб, дилим равшан тортди. Демак, инсоннинг меҳнати, савоб ишлари ҳеч қачон зое кетмас экан.

Энди газетамизнинг учинчи саҳифаси ҳақида ҳам икки оғиз гапирмоқчиман. Очиғи, биз алоқачилар газетанинг бадиий-маърифий саҳифасига жуда ўрганиб қолдик. Ахир, алоқачи ҳам комил инсон бўлишни, маънавий-руҳий баркамолликка интилишни, самимий ҳазил-мутойиба, беғубор кулгу орқали завқ олишни истайди. Шунинг учун ҳам учинчи саҳифадаги «Мерос», «Маънавият олами», «Ислом маърифати», «Ажаб дунё», «Бу — қизиқ», «Хандалар», «Латифалар» каби рукнларда берилаётган материалларни ҳамиша ташналик билан ўқиймиз. Ушбу рукнлар бизни гўё ўзлигимиздан огоҳ этиб, инсоннинг фақат ибчиш учунгина яшамаслигини эслатиб тургандай...

Мен севимли газетамиз саҳифаларида босилган, ўзимга маъқул мақола, хабарларни эсдалик учун йиғиб-асраб қўймоқдаман. Чунки ҳозирги ҳар бир кун эртага тарих бўлиб қолади. Бир кунмас бир кун биз ҳам нафақага чиқиб, уйда невара-чевараларга бош бўлиб ўтирамиз. Ана ўшанда ушбу тарих саҳифаларини варақлаш нақадар мароқли бўлади...

Ҳамидулла НУРМАТОВ,
Наманган давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи



Жиззах давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасида касбига меҳр қўйган мутахассислар талайгина. Турсунбой АБДУҚОДИРОВ ана шундай жонкуяр ходимлардан бири. У корхонанинг лаборатория бўлимида электромеханик бўлиб ишлайди.

Сураткаш Б. ТОШМАТОВ

ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТИ

Мустақиллик шарофати туфайли бизнинг Шаҳрихон алоқа боғламаси ҳам ўз автоуловига эга бўлди. Аҳолига почта хизматини янада яхшилаш учун корхонамизга юк ташишга мўлжалланган «Дамас» автомобили сотиб олинди. Шуниси қувончлики, бу автомобилни корхонамизнинг ўз даромади ҳисобидан олдик.

Шу кунларда «Дамас» автомобили туман ва шаҳримиздаги алоқа бўлимларига хат-хабар, жўнатма, матбуот нашрлари ва ёрдам пулларини ўз вақтида етказиб беришда асқотмоқда. Назаримда бу автомобил фақатгина почта хизмати учун яратилгандек гўё. Корхонамиз ишчи-хизматчилари анча яйраб қолишди.

Биз Шаҳрихон почта алоқа боғламаси ходимлари «Дамас» автомобилини сотиб олиш учун корхонамизга зарур йўл-йўриқ кўрсатган «Ўзбекистон почтаси» концерни, Андижон давлат почта алоқаси корхонасига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

А. ХОЛДОРОВ,
Шаҳрихон почта алоқа боғламаси бошлиғи,
Андижон вилояти

ҲОЖАТБАРОР

Қўқон шаҳридаги 65-автокорхона ҳайдовчиси Ҳусниддин Мамажонов икки йилдирки шаҳар алоқа бўлимида хизмат қилади. Шаҳар алоқа бўлими маъмурияти Ҳусниддин Мамажоновга Бувайда тумани почта боғламасига хизмат қилишни топширган. У ҳар куни шаҳар алоқа бўлимидан туманга газета-журнал, юбортма ва хатхабарларни ўз вақтида етказиб беради.

Ҳусниддин Мамажонов 65-автокорхонага ҳайдовчи бўлиб ўтгунга қадар шаҳар алоқа бўлимида алоқачи бўлиб ишлаган. Шу боис ҳам алоқачилик касбининг сир-асрорларини яхши билади. Унинг бекамукўст хизматидан аҳоли хурсанд бўлмоқда.

Қ. ТУРСУНОВ,
Фарғона вилояти

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

• Матбуотда «С. Қ. Ҳусеновни Бухоро вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳамда «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

• Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китоби япон тилида чоп этилди.

• Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг сессияси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси ўринбосари, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси раиси У. Аширбеков бошқарди.

• Янги «Тошкент — Нью-Йорк» ахборот-реклама нашрини чоп этишга ҳозирлик кўрилмоқда. У Тошкентда тайёрланиб, Нью-Йоркда босилади.

• Сўнгги беш йил мобайнида собиқ СССР ҳудудида 135 нафар журналист, шу жумладан 15 аёл ҳалок бўлган. Уларнинг 27 нафари Россия журналистларидир. Биргина Чеченистонда 24, шу жумладан 11 нафар хорижий журналист ҳалок бўлди.

• БМТ Хавфсизлик Кенгаши БМТнинг Тожикистондаги кузатувчилар миссияси мандатини 1997 йилнинг 15 мартига қадар узайтирди. Хавфсизлик Кенгашининг бир овоздан қабул қилинган ушбу резолюцияси Тожикистондаги вазиятдан халқаро ҳамжамият қаттиқ ташвишланаётганлигини кўрсатди, деб баённот берди Россиянинг Хавфсизлик Кенгашидаги вакили Сергей Лавров.

• Польша пойтахти Варшавада Ичкерия Чечен республикасининг ваколатхонаси расмий равишда очилди.

• АҚШдаги компьютерлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Майкрософт» компанияси раҳбари Билл Гейтс бойлиги 20 миллиард доллардан ортган жаҳондаги биринчи инсон бўлди.

• Италиянинг Бари шаҳри полицияси уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошлади. Натижада 30 нафардан зиёд жиноятчи қўлга олинди. Улар ноқонуний қурол савдоси билан шуғулланганликда, контрабанда ва қотилликда айбланмоқда.

• Белградда Сербия маъмуларининг маҳаллий идораларига сайлов натижаларини бекор қилганига қарши норозилик намойишлари бўлди.

• Америка ҳарбий ҳаво кучларига қарашли қирувчи самолёт янглишиб Жанубий Япониянинг Наха шаҳри аэропорти яқинига бомба ташлади. Хайриятки, бомба аэропортдан 10 чақирим нарига, денгизга тушиб, ҳеч кимга зарар етказмади.

• Ҳиндистоннинг Трипур штати ғарбида миллий низо туфайли номаълум жиноятчилар томонидан 23 киши ваҳшийларча ўлдирилган. Қурбонлар орасида аёллар ва болалар ҳам бор.

ЎЗ ГАШТИ БОР

Бугун ҳам у ишга барвақт келди. Янги олинган газета ва журналларни пештахтанинг кўринарли жойларига териб чиқди.



«Тафаккур» журналининг янги сонини олдинги дераза-си ёнига осиб қўйди. Газеталар дўконини очиш учун ҳамма нарса тахт ҳолига келтирилди, бу орада тонг ҳам ёришиб қолди. Шу пайт матбуот нашрлари ортилган автомашина дўкон ёнига келиб тўхтади. Бугунги газета-журнал боғламларини қабул қилиб олгач, у дўкон туйнугини очиб, савдо қилишга киришди.

Сотувчи Тўлқин Алиевнинг ҳар кунги меҳнат фаолияти ана шундай бошланади. Кўп йиллар давомида бу юмуш зиё тарқатувчи учун одат тусига кириб қолган.

Тўлқин ака ёшлигидан савдо иши билан шуғулланишни орзу қиларди. Ундаги бу интилиш Тошкент савдо техникумида ўқишга чорлади. Техникумни тугатгач, озиқ-овқат дўконида сотувчи, сўнгра дўкон мудири бўлиб ишлади.

У ёшлигида бахтсиз ҳодиса туфайли ногирон бўлиб қолган эди. Шу сабабли ҳам «Союзпечать» дўконларида меҳнат қилишни ўзига маъқул деб топди.

Тўлқин Алиев Тошкентнинг Луначарское кўчасидаги дўконда ишлаган йилларни ҳали-ҳануз яхши эслайди. Бу ерда у харидорлар билан ишлашнинг ўзига хос сир-асрорларини пухта ўзлаштириб олган эди. Шундан сўнг у «Болалар дунёси» ёнидаги газета дўконида узоқ вақт сотувчилик қилди. Эндиликда эса у пойтахтнинг Амир Темур кўчасидаги 126-газеталар дўконида фаолият кўрсатяпти.

— Дўконимизга Тошкент электротехника Алоқа институти, Ўзбекистон Давлат космик тадқиқотлар агентлиги ходимлари, талабалар келиб туришади, — дейди Т. Алиев. — Ҳар бир харидорнинг аҳвол-руҳиясига, касб-корига қараб муомалада бўламан. Бўш қолдим дегунча газеталардаги муҳим мақолаларга кўз югуртираман, журнал саҳифаларини варақлайман. Матбуот янгиликларидан харидорларни ҳам хабардор қилиб, ўша газета ёки журнални олиб ўқишга маслаҳат бераман. Дўконда ишлашнинг ўз гашти бор.

Тўлқин Алиев фидокорона меҳнати учун «Матбуот тарқатиш уюшмаси» ҳиссадорлик жамиятининг бир неча Фахрий ёрлиқлари ва мукофотларини олган. Яқинда у умрининг 60-баҳорини нишонлади. Бу сафар ҳам у жамият ташаккурномасига сазовор бўлди.

Акбар АЛИЕВ,
журналист

• Фахрийлар — фахримиз

БИР САФДА 60 ЙИЛ

Бир ташкилотда узлуксиз 60 йил ишлаш учун куч-қувват, бардош етарли бўлиши керак. Ўзининг бутун умрини радио ишига бағишлаган София опани ҳамма радиопа деб ардоқлайди.

София Шокировна Бухараева 1931 йили радиолаштириш ва радиоэшиттириш қўмитасига ишга келганида эндигина 16 ёшга тўлган эди. Шижоатли, тиниб-тинчимас, ғайратли қиз жамоат ишларида фаоллик кўрсатиб ишлай бошлади. Ҳар қандай топшириқ ва юмушларни бекаму-кўст бажариши ва ташкилотчилиги билан кўпчиликнинг назарига туша бошлаган Софияга масъулиятли вазифаларни ишониб топширадиган бўлишди. 1940 йили С. Бухараева Республика радиолаштириш ва радиоэшиттириш қўмитаси раисининг ўринбосари этиб тайинланди. Бу юксак вазифада 1953 йилгача ишлаб, Ўзбекистонда радиоэшиттиришларни ривожлантириш, жойларда радиолаштириш ишларини тезлаштириш, маҳаллий радиоэшиттиришларни ташкил этиш ва раҳбарлик қилишда ўзининг бутун куч-ғайратини сарфлади. Шунингдек, ташкилотчилик қобилиятини намоён этди, малакали кадрлар тайёрлаш билан ҳам шуғулланди. Айниқса, Ватан уруши йилларида С. Бухараеванинг хизматлари таҳсинга лойиқ. У раҳбар сифатида радиоэшиттиришларнинг сафарбарлик ролини ошириш, таъсирли ва ҳозиржавоб эшиттиришлар тайёрлаш, шаҳар ҳамда вилоятларда радиомуҳарриятлар ташкил этиш борасида астойдил тер тўкди. Катта Фарғона канали, Фарҳод гидроэлектростанцияси, Шимолий Тошкент канали, Каттақўрғон сув омбори каби республикамизнинг йирик халқ қурилишлари ва иншоотларида радиоэшиттиришлар ташкил этиш каби масъулиятли топшириқларни бажаришда жонбозлик қилди. Сўнгра София Шокировна узоқ вақт мусиқий эшиттиришлар муҳарририятини бошқарди. Радионинг мусиқа фондини яратиш, уни ўзбек ва қардош халқлар мусиқа санъатининг энг яхши дурдоналари билан бойитишда улуши катта бўлди.

Самарали меҳнат фаолиятининг сўнгги йилларида С. Бухараева яна бир хайрли ишга қўл урди. У республика радиоси ва телевидениеси тарихи музейини ташкил этиш борасида кўп елиб- югуриб, ниҳоят орзусига эришди. 1988 йили музейнинг очилиш маросими бўлди. Ҳозир музейда радио ва телевидение фахрийлари билан тез-тез учрашувлар ўтказиб турилади.

София Бухараеванинг республикада радиоэшиттириш ва телевидениени ривожлантиришдаги фаол хизматлари юқори баҳоланди. У «Ҳурмат белгиси» ордени, Ўзбекистон Республикасининг бир қанча Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган. Унга «Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилган.

Ўзининг 80 ёшини қаршилаган С. Бухараеванинг радио ва телевидениедаги 60 йиллик самарали фаолияти ҳаскасблари, сафдошлари, шогирдлари учун ибратлидир.

Бурҳон ЗИЁЕВ

БАРЧА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТ, ФИРМА РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ҚИЗИҚУВЧИ ШАХСЛАР

ДИҚҚАТИГА!

«ТАШҚИТАЪМИНОТАЛОҚА» («Внешснабсвязь») ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТАДИ:

Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган, республикамиз алоқа тармоқларига мослаштирилган ҳамда рақамли алоқа тармоқларида ҳам ишлай оладиган туғмачали телефон аппаратлари, щитлар, шкафлар, ШРЗ, ШРМ, ШЗП ва бошқалар, радиокомпонентлар, паяльниклар, телефон капсюллари, микрофонлар, коммутатор штепселлари, ҳар хил коммутатор лампалари, овоз кучайтиргичлар, (громкоговоритель), микрофонлар, ҳар хил асбоблар йиғмаси, ЗСП-20, ЗРП-20, ЧСП-22/26 муфталари, ПУ-10, КД-36 сўзлашув қурилмалари (переговорные устройства), паяльный лампалар, овоз колонкалари, НВ, НВМ, ТПВПу, ПВТ симлари ва бошқалар, ВЗ-38, МУПС приборлари, электр лампалари, 260-508 ҳажмдаги автокамералари, автошиналар, ҳар хил аккумуляторлар, иш кийимлари, иш пойафзаллари, сурғуч, припой, ҳар хил қулфлар, мантўрлар белбоғлари (пояс), генератор лампалари, МКСАШП, ВКПАП кабеллари, метизлар, ИКМ-30-4 блоклари. Барча маҳсулотларнинг сертификати бор.

Мурожаат учун телефонлар: 36-35-80 91-61-08, 91-60-21, 91-65-10,
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 15.



«Промсвязь» ҳиссадорлик жамияти заводида металл конструкцияларини йиғувчи чилангарлар бригадасининг етакчиси Наил НАФИКОВ самарали меҳнат қилиб, барчага ўрнак бўлмоқда.

Суратқаш Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ

ЭЪЛОН

«Хабар» кичик корхонаси Тошкентдаги омбордан КАРТ-П русумидаги радиоузайтиргичларни (РАДИОУДЛИНИТЕЛЬ, Белоруссия маҳсулоти) сотади ва мижозлар таклифларига кўра ўрнатади ҳамда ишга тушириб беради.

Боғланиш учун телефонлар:
(3712) 74-88-71,
(37197) 52-6-53.



ШИРИНЛИК ТЕЛЕФОНИ

Канадани «зарангдошлар мамлакати», Квебекни эса «заранг дарахти» вилояти дейишади. У ерда март-апрель ойларида шарбат йиғиш мавсуми бошланади. Буғлаш йўли билан олинадиган мазали заранг шарбатидан ҳар турли ширинлик ва зираворлар тайёрлашда фойдаланилади.

Қуймоққа, бодринг тузлаганда ҳам ушбу шарбатдан қўшиш мумкин. Уй бекалари хизматида оддий телефонга ўхшаш махсус «ширинлик телефони» ҳозиру нозир: маълум бир рақам терилса бас, зум ўтмай идишингиз янгигина шарбатга тўлади-қўяди.

• Алоқа матбуот кўзгусида

ЯПРОҒИГА ЁЗУВ БИТИЛГАН

Жуда қадим замонларда соябонгулли пальма дарахтининг япроқлари Цейлон ороли аҳолиси учун қоғоз вазифасини ўтаган. Оролликлар пальма япроқларини дастлаб қайноқ сувга ботириб олишган.

Шундан кейин қуримайдиган ва синмайдиган ҳолга келган бундай япроқларга учли қилиб йўнилган чўп билан хат битишган. Бу хил япроқ-қоғозлар ўша вақтларда ниҳоятда қадрли матоҳ ҳисобланганидан унга энг муҳим ҳужжатларгина битилган. Оддий ёзувлар эса бошқа пальмаларнинг япроқларига туширилаверган.

Саодат ОДИЛОВА тайёрлаган

Фарид УСМОН

ШЕЪРИЯТ ЧИН ЭЗГУЛИККА ОЛИБ БОРАР КЎЧАДИР



Қатор шеърий тўпламлар муаллифи Фарид Усмон номи муҳтарам шеърхонларга яхши таниш. Дилрабо қўшиқлари эса кўплаб мухлисларга манзур бўлган. У бир неча шеърий тўпламлар муаллифидир.

Ўзининг 50 ёшини янги-янги ижодий режалар билан кутиб олаётган шоир Фарид Усмонга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, баркамоллик тилаймиз.

ШЕЪРИЯТ

Шоир қалби гўё анор,
Шеъри унинг шарбати.
(Э. ВОҲИДОВ).

Шеърият — бу қатим-қатим
Нурлар тўла кечадур.
Шеърият бу — эзгуликка
Олиб борар кўчадур.
Шоир учун нурлар тўла
Кеч уйқусиз кечадур.
Шеърга дилнинг ҳарорати
Кечаларда кўчадур.
Шеърга дилнинг ҳарорати
Кўчган кеча кечадур.
Шеърга кўчган кечалардан
Шоир қандай кечадур?
Шеърият бу — қатим-қатим
Нурлар тўла кечадур.
Шеърият чин эзгуликка
Олиб борар кўчадур.

* * *

Бир сабоқ бор: ҳар
тонг яъни ибтидо,
Бир ибрат бор: ҳар
кеч яъни интиҳо.
Англамаймиз бу ҳолатнинг
мазмунин —
Эшитилмас қулоқларга бу садо.
Тириқликка, бизлар,
пинҳон сўзалаган
Умримизни совур деган бир нидо...
Бизлар қанча-қанча хато қилсак ҳам,
Тонг отиши, кун ботиши бехато.
Улуғ инсон, ибрат олу, уқиб бор,
Бир сабоқ бор: ҳар тонг,
яъни ибтидо,
Бир ибрат бор: ҳар кеч интиҳо!

* * *

Энди ўлимлардан қўрқма,
эй кўнгил,,
Ўтиб кетиб бўлди қувноқ умр ҳам.
Ҳаёт маъносини тушунган
бўлсанг,
Буёғи сен чеккан на қайғу, на ғам.

Энди ўлимлардан қўрқма,
эй кўнгил,
Қасос ўтлари ёнсин қарсиллаб.
Ичай дер, сўнгги кун шаробин
ҳислар,
Мангулик майига идрок ташналаб.
Энди ўлимлардан қўрқма,
эй кўнгил,
Бир бошга бир ўлим
деган ҳақ гап бор.
Балли, нафратларни
ифодала сўз —
Қўрқоқлар юраги қоронғи мозор.

* * *

Умр қисқа-қисқа дақиқа,
Моҳиятан катта саодат.
Бу сўзларнинг чин маъносини
Англай олса кишилар фақат.

Тушунолмай қолганлар қанча,
Шундайларнинг биттаси мен ҳам,
Беҳудага кетган умримга
Ҳали-ҳали қилмоқда алам.

Сўнгги пушмон —
ўзингга душман,
Деганлари экан тўғри гап...
Хайриятки, берилган умр
Қисқалигин ололдим англаб.

Сўнг дўстларга айтдим улгуриб,
— Саодатни қилмангиз увол!
Умр қисқа — қисқа дақиқа —
Яшаётир у билан иқбол.

Эй, инсонлар, Аллоҳ Таолога тавба қилинглар ва андин мағфират талаб этинглар. Таҳқиқ, мен ҳар кун юз бор тавба қилурман.

***

Аллоҳ Таоло кечқурун раҳмат қўлин ёзур, токи, кечқурун гуноҳ қилғон банда тавба қилсун, бу ҳолат офтоб ботган

• ИСЛОМ МАЪРИФАТИ

ПАЙҒАМБАРИМИЗ АЙТАДИЛАР...

тарафдин чиқадурғон кунгача давом этур, яъни мудом офтоб ўз машриқидин чиқиб турур экан тавба эгиги банд бўлмас.

***

Сизлардин бирларингиз бир мусибатга дучор бўлса ул одам ўлимни орзу қилмасун. Агар таманно қилиши лозим бўлиб қолса, мундоғ десун:»Эй, Худо, менинг учун ҳаёт хайрли бўлса, ҳаёт бер ва агар менинг учун ўлим хайрли бўлса, ўлим бер».

* * *

Ростлик яхшиликка бошлайдур ва яхшилик жаннатга бошлайдур.Бир инсон рост сўз қила-қила бир мақомға етурки, Худо қошинда номи сиддиқлар дафтарларига ёзилур. Ёлғон гуноҳға бошлайдур. Гуноҳ дўзахга бошлайдур. Бир инсон ёлғон сўз қила-қила бир ҳолға етурки, Худо қошинда номи ёлғончилар дафтарларига ёзилур.

***

Сизлардин ҳеч бирингиз комил мусулмон бўла олмас, токи ўзи учун яхши кўрган нарсани мусулмон биродари учун ҳам яхши кўрмаса.

* * *

Кимки одамларга раҳм қилмаса, Аллоҳ Таоло ҳам анга раҳм қилмас.

* * *

Мусулмоннинг мусулмон зиммасида беш ҳаққи бордур:
1. Саломга жавоб бермак. 2. Бемор бўлса, ҳолин сўрмак. 3. Ўлгонларин жанозаларин орқаларидин бормоқ. 4. Таом учун чақирса, қабул этмак. 5. Акса уриб, ҳамд айтса, «Ярҳамуккаллоҳ», демак.

* * *

Аллоҳ Таолони ёдингда сақлаки, ани қошингда топурсан, яхши ҳолатингда Худо ила алоқа қил, ёмон ҳолатингда мададкоринг бўлур ва шул нарсани яхши билки, нима нарса сенга келмабдур, ул нарса ҳаргиз сендин бошқага бормоқчи эмас эрди ва яхши билки, сабр орқасида мадад бордур ва мусибат ортида кушойиш бордур ва мушкул орқасида осонлик бордур.



Момогинам чалса чанқовуз,
Эриб кетар тоғ-тошдаги муз.

МИХАИЛ ТАЛ

• *Ажаб дунё*

Шахмат оламида ўзига хос, ёркин из қолдирган ғирғалик гроссмейстер Михаил Тал миллионлаб ишқибозларнинг меҳру муҳаббатини қозонган эди. У ҳар томонлама истеъдодли эди. Уч ёшидаёқ ўқишни ўрганиб олганди. Мактабга борганида уч рақамли сонларни бир-бирига оғзаки қўша оларди. Қобилиятини ҳисобга олиб уни учинчи синфга қабул қилишди. Футболни ҳам яхши ўйнарди. Шашка бўйича мактаб чемпиони эди.

Етти яшарлигида отасидан шахмат ўйнашни ўрганди. Ун ёшида Ригадаги пионерлар саройининг шахмат секциясига келди. Тал 18 ёшида спорт устаси бўлди. Уч йил мобайнида гроссмейстерликдан СССР чемпиони даражасига эришди. 1960 йили Ботвинникни енгиб, саккизинчи жаҳон чемпиони бўлди.

Замондошларини Талнинг ажойиб ҳотираси ҳайратга соларди. У Москвага келганида журналист дўсти Я. Дамскийникида меҳмон бўлар, тунда ўқиш учун 600 саҳифалик иккита китобни қўлтиғига қистириб оларди. Бир куни дўсти Талнинг китобларни ўқиб чиққанлигига шубҳаланди. Шунда Тал дўстидан китобнинг исталган саҳифасидан биринчи қаторини ўқиб беришини сўради, ўзи эса қолган қисмини ёддан ўқиб берди.

Тал рақибларини гипноз қилиб қўярмиш деган гаплар ҳам тарқалганди. 1959 йилги давогарлео турнирида америкалик гроссмейстер П. Бенко Талга икки марта ютқизгандан сўнг учинчи партияга қора кўзойнак тақиб келди. Шу йўл билан гипноздан қутулмоқчи бўлди. Тал ҳам Петросяндан қора кўзойнагини сўраб, тақиб олди. Ҳар икки гроссмейстер томошабинларнинг кулгисини келтириб, «қора ниқоб»да ўйнашди. Қўлаган чораси барибир Бенкога фойда қилмади — ютқазиб қўйди.

Тал қувноқ одам эди, ҳазилмутойибани ёқтирарди. Давогарлар турнирида мухлисларга дастхат битаркан, у Фишер номидан ҳам дастхат ёзаверди. Ҳайрон қолганларга у «Мен бу боёқишни уч марта ютганман, бемалол бунга ҳақим бор» деган эди.

Тал тезкор шахмат ўйинини айниқса яхши кўрар, мусобақанинг ана шу тури бўйича биринчи жаҳон чемпиони эди. Унинг соғлиги яхши эмас, буйраги мураккаб операция қилинган, шунга қарамай бир умр ўйинни тарк этмас эди. Омади юришмай ютқазганида ҳам мардларча ютқазар, руҳи тушмас эди. Ботвинникка реванш ўйинни ютқазиб қўйганида онасига шундай деганди: «Биласанми, ойи, мен шахмат тарихида энг ёш экс-чемпионман!»

Жаҳоннинг ҳамма бурчакларида Талнинг беҳисоб мухлислари бор эди. Вафотидан бир неча ой муқаддам у жуда кучли блицтурнирда ўйнаган, партиялардан бирида жаҳон чемпиони Каспаровни ҳам мағлуб этган эди. Мусобақада учинчи ўринни олган Талга мукофот сифатида уй сейфи топширилганди.

Дунё каби кўҳна шахмат ўйинига янги руҳ, янги нафас олиб кирган М. Тални жуда кўп етакчи гроссмейстерлар ҳақли равишда ўзларига устоз деб биладилар. Ўзбекистонда ҳам Талнинг мухлислари жуда кўп.

Ш. АКБАРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

•

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ Шуҳрат ЖАББОР Анатолий КУДИНОВ

Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб) Мирпўлат МИРЗО Рустам ҚОСИМОВ Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бўривой АҲМЕДОВ ОТАЎЛИ Саидмаҳмуд АКБАРОВ Шоҳруҳ АКБАРОВ Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ Тоғай МУРОД Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

•

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0739. 7625 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 23

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.30 «Хафтанома».

*

8.30 «Қизлар гулдастаси».
9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Тилла ранг ришталар жозибаси».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кишлоқ тадбиркорлари».
10.30 Шифокор экрани.
11.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
11.30 «Гемурнома».
11.50 «Осмон дарвозаси». Бадиий фильм.
13.15 «Бунёдкор».
13.35 «Барака ёмғири». Мультфильм.
13.45 «Меҳр қолур». Публицистик кўрсатув.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «Ҳаёт ва қонун».
18.45 «Темур бобо». К. Баратов ижро этган.
18.50 «Соҳибқирон». Видеофильм. 1-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 А. Икромов, Ю. Исматова. «Темурий маликалар». «Тановар» рақс театри. 1-қисм.
22.00 Ўзбекистон геологиясининг 70 йиллигига. «Она ер муруввати».
22.15 «Бу оқшом...»
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Истиқлол одимлари.
00.10 Тунги тароналар.
00.20—00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Палитра».
18.45 «Мультфейерверк».
19.15 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон». Оҳанглар.
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Камертон». Шеърият.
21.10 «Хоббн-холл».
21.40 «Курьер».
22.00 «Прайм-тайм».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.45 «Спорт қитъаси».
23.20—00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.40 Янгиликлар.
17.45 Эълонлар.
17.50 «Овчининг сўнгги олишуви». Бадиий фильм. 1-серия.

*

19.10—21.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Олтовнинг қорли чўққилари», «Свонетияда қиш». Телефильмлар.

*

23.00 — 23.30 Россия давлат телевидениеси.

*

23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Дидар».
19.40 «Эҳтиёжга эътибор...»
19.55 Эълонлар.
20.00 «Жаҳон».
20.20 Кечки сеанс. «Автомобилдан сақланинг!». Бадиий фильм.
21.50 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
22.00 «Шлягер».
22.15 «Спорт-тайм».
22.45 «Авторейд».
22.55 «Умид».
23.25 «5+1». Интервью.
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 24

I

6.30 «Ассало... Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Воҳа тароналари.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Замин фидойилари». Телеочерк.
10.30 Инглиз тили.
11.00 Ўзбек куйларидан концерт.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Ассалом, япон тили».
12.30 «Катта трамплин». Бадиий фильм.
13.45 «Иқлосиз истиқболи».
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фарзанд — умид юлдузи».
18.25 Футбол шарҳи.
18.45 Дилнавоз садолар.
19.00 «Сохибқирон». Видеофильм. 2-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дурдона».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 А. Икромов, Ю. Исматова. «Темурий маликалар». «Тановар» рақс театри. 2-қисм.
22.00 «Альманах-ТВ».
22.30 «Уйимдаги бегона». Бадиий фильм. 1-серия.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Оҳанглардан таралган меҳр».
00.20—00.35 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Олтин кент».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.20 «Спорт қитъаси».
22.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.50 — 00.30 «Кинонигоҳ».

III

17.40 Янгиликлар.
17.45 Эълонлар.
17.50 «Овчининг сўнгги олишуви». Бадиий фильм. 2-серия.

*

7.30 — 9.00, 19.10 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Ов ҳақида ҳикоялар». Телефильм.

*

23.05—23.40 Россия давлат телевидениеси.

*

23.40 Эълонлар.
23.45—23.50 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Шифокор билан мулокот.
19.30 «Кўшиқларим оламни тутар».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.25 «Мезон».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Тошкент оқшомида».
21.30 «Ер курраси».
21.50 «Ҳамдўстлик»
22.20 «Тинчлик даври». Бадиий фильм.
23.20 «Гулдаста».
23.40—23.50 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Янграсин шўх яллалар».



8.55 «Сарҳисоб».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Орзу».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Умумий биология.
11.00 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия масалалари.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Мутлоқ устунлик билан». Бадиий фильм.
13.00 «Нурли келажак». Видеоканал.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Акциядорлар дуғати».
18.25 «Омонлик тилаймиз».
18.35 «Катта танаффус».
18.55 «Сохибқирон». Видеофильм. 4-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиясида.
22.00 Самарқанд. Регистон майдони. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган томошалар.
23.15 «Ёлғиз қўйган ҳаким».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Хоббн-холл».
9.50 «Курьер».
10.20 «Прайм-тайм».
10.30 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
10.50 «АРТ-журнал».
11.10 «Табиат дунёси».
12.00 «Компьютер-Осиё».
12.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.35 — 14.15 Видео—«О».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Дармон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.25 «Бизнес-уик».
21.45 «Дойче Велле» оҳанглари ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50 — 00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ок ёл ҳақида қисса». Бадиий фильм.

*

7.30 — 9.00, 19.10 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 Опера сахнаси усталари.

*

23.05 — 23.40 Россия давлат телевидениеси.

*

23.40 Эълонлар.
23.45 — 23.50 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Дастурнинг очилиши.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Айчурек».
19.40 «Интер-спорт».
19.50 Зиелилар ҳақидаги янгиликлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.05 «02» тўлқинида».
21.05 «Каталог».
21.20 «Туманлардан ҳоли Британия».
21.40 «Хамшаҳарлар».
22.10 «Эколот-коктейль».
22.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.10 «Компьютер-ревю».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Эллада».
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Юзма-юз».
8.45 Кекса санъаткорлар концерти.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кеча ва бугун».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Немис тили.
11.00 «Китоб ва ҳаёт».
11.30 «Гемурнома».
11.50 Болалар учун фильм. «Кулол ва хумча».
13.05 «Буюк умр дерлар».
13.20 «Ўзбектелефильм» премьераси: «Дўстлик ва ҳамкорлик рамзи».
13.30 «Маърифатнома».
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.30 «Бизнес ҳафта якунлари».
18.40 «Ингит омон бўлса...».
18.55 «Сохибқирон». Видеофильм. 5-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Умидли дунё».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиясида.
21.30 «Ривоят».
21.40 Дилнавоз садолар.
22.00 «Репортаж».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Ғадим».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мульти-пульти».
9.30 «Болаларнинг тили...».
9.40 Дилором наволар.
9.50 «Умрбоқий мерос».
10.05 «Мулоҳаза учун мавзу».
10.30 Видео янгиликлари.
10.50 Видео — «О».
12.30 — 14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...».
18.35 «Кинохроника».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Ракурс».
22.00 «Спорт қитъаси».
22.30 Хит-парад ва Эълонлар.
23.10 — 24.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Лев Гурич Синичкин». Бадиий фильм.

*

7.30 — 9.00, 19.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Мусиқа ҳамма учун».

*

23.00 — 23.30 Россия давлат телевидениеси.

*

23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 «Рангинкамон».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.35 Эълонлар.
20.40 «Монитор-Осиё».
21.10 Келинг, кулишайлик. «Уч тентак ҳангомаси» («Коламбия пикчерс», АҚШ). 4-серия.
21.30 «Ғазаллик бунёдкорлари».
21.50 «Коинот».
22.20 «Бу бўстон аро».
22.50 «Юлдузли галерея».
23.20 «Замандас».
23.50 Араб эстрадаси.
00.10 — 00.20 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Қайғусиз қувонч бўлмас». Мультфильм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Иҳоднинг машаққатли йўли». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ироҳим Раҳим.
10.45 «Ўзбектелефильм» кўрсатади. «Фаровонлик манбаи».
11.00 «Кичкинтой» устахонаси.
11.30 «Темурнома».

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

11.50 «Йўнтепа ҳангомалари». Теленовелла. 1-қисм.
12.40 «Ёш қув» тележурнали.
13.20 «Ойдин йўл».
13.50 «Йўнтепа ҳангомалари». Теленовелла. 2-қисм.
14.40 — 15.40 «Маънавият» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам».
18.40 «Сохибқирон». Видеофильм. 6-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Дилнавоз садолар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Францияда Амир Темур кунлари.
21.50 «Азиз сиймолар». Соиб Хужаев.

«Тунги ёлдуз». Дам олиш дастури:

22.10 Жаҳон киноси юлдузлари.
22.25 «Имкон чўққилари».
22.35 «Муҳаббат — ҳаёт демакдир». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...».
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Мусиқий йўлка».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Кинонигоҳ».
13.20 — 14.20 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Мультдаста».
18.20 «Жозиба».
18.30 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
18.40 «Театр ҳақида ўйлар».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Фидойилар». 1-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Жозиба».
20.05 «Фидойилар». 2-қисм.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми». Дам олиш дастури:

21.00 Видео — «О».
22.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.20 «Фидойилар». 3-қисм.
23.55 — 00.20 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».

III

18.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

18.25 — 21.35 Россия жамоат телевидениеси.

*

21.35 «Лицедейлар». Телефильм.

*

22.00 — 22.30 Россия давлат телевидениеси.

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Филипп Киркоров ҳузурида меҳмонда».
23.40 — 23.50 «Муздаги жилолар». Манзарали телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 «Шанба эртаги».
10.20 Эълонлар.
10.25 «Клип-антракт».
10.30 «Комедиантлар».
10.50 «Рақслар қанотида».
11.20 «Клип-антракт».
11.45 — 13.15 Кинонинг олтин асри. «Зоронинг катта сарғузаштлари».

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Олам ва одам».
20.30 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.35 Кинонинг олтин асри. «Симьор Робинзон». Бадиий фильм.
21.50 «Беш дақиқа ўзинг учун».
21.55 «Спектаклдан сўнг».
22.20 «Комендиантлар».
22.40 «Ассалом, Франция!».
23.10 Эълонлар.
23.15 «Хит-коллекция».
23.35 «Жиллет-спорт».
00.05 «Бу ажиб дунё».
00.25 Эълонлар.
00.30 — 00.40 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Аёл борки, олам мунаввар...». Публицистик кўрсатув.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
12.30 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.10 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 22-кўй.
13.50 «Ўзбекистон спорти».
14.10 «Болалигим — пошшолигим» Видеоканал.
15.10 — 15.40 Эстрада кўшиқлари.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Хамондарга мўъжизалар, ёки...».
18.15 «Уйимдаги бегона». Бадиий фильм. 2-серия.
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Соғлиқ».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Тилаклар». Янги йил интервюлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Буюк келажак сари.
21.25 «Илҳом сатрлари».
21.30 «Мусиқа салтанати».
21.50 «Ҳаёт ва бахт».
22.15 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 23-кўй.
22.55 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Хафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.15 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультдаста».
9.20 «Жозиба».
9.30 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
9.40 «Театр ҳақида ўйлар».
10.00 «Жозиба».
10.10 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.35 Видео—«О».
12.15 — 14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Даракчи».
18.20 «Боланинг тили...».
18.35 «Мульти-пульти».
19.00 «Мусиқий майдонча».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Олқиш».
20.20 Дилором наволар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Табиат шифохонаси».
21.30 «Таманно».
21.30 Ўзбекистон радиосининг 70 йиллиги олдидан. «Эҳтирос».
21.45 «Ана шунака». Юмористик кўрсатув.
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 Видео—«О».
00.20 Дастур ниҳояси.

III

16.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

16.55 — 22.55 Россия жамоат телевидениеси.

*

22.55 Эълонлар.
23.00 — 23.05 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.20 «Клип-антракт».
11.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
11.55 «Парле ву франсе?»
12.45 «Афсоналар ва ҳақиқат». Хужжатли фильм.
13.25 «Иштирок этувчилар».
13.55 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.25 Киносалон. Акиро Куросаванинг «Кутемуша» фильми.
16.25 Эълонлар.
16.40 «Севинг вақтинг».

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «ТВ IVда етти кун» (ўзбек тилида).
19.15 «Телеташриф».
19.30 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
20.00 «ТВ IVда етти кун» (рус тилида).
20.15 Эълонлар
20.20 «Биргаликда куйлайлик».
21.20 Киносалон. Акиро Куросаванинг «Ран» фильми.
23.30 «Голливуд-рок».
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди).